

Талаба-қизлар ўртасида математика фанидан олимпиада

ЎзР ФА Математика институти ва Ўзбекистон Миллий Университети ҳамкорлигига 2021 йилнинг 4-5 март кунлариға белгиланган Тошкент шаҳрида жойлашган Олий таълим муассасалари талаба-қизлари ўртасида Математика фанидан анъанавий тарзда фан олимпиадаси бошланди.



Ушбу фан олимпиадасига Институтимизнинг “Олий математика” кафедрасида фаолият олиб борилаётган “Ёш математиклар” тўгараги аъзоларидан 28 нафар талаба-қизлар ҳам иштирок этишмоқда. Институтимиз талаба-қизларига омад тилаймиз.

ТИҚҲММИ матбуот хизмати